

Қ. НАЗАРОВ

**ФАЛСАФА
АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти

Қиёмиддин Назаров

ФАЛСАФА АСОСЛАРИ

Ўзбекистон файласуфлари
миллий жамияти нашриёти
Тошкент – 2012

УДК: 323(575.1)

КБК 87.3(5Ў)

И – 81

И – 81 Назаров Қ.

Фалсафа асослари. Ўзбекистон Миллий университети; Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012. – 808 б.

УДК: 323(575.1)

КБК 87.3(5Ў)

Фалсафий тафаккур ривожини «Авесто» замонларидан бугунги кунгача мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Қарийб уч минг йилни қамраб олган бу даврда инсоният тарихида ниҳоятда катта аҳамият касб этган ғоя ва таълимотлар яратилди, турли-туман фалсафий йўналишлар, оқим ва мактаблар вужудга келди, эзгулик ва адолатга хизмат қилган бунёдкор ғоялар билан бирга, халқлар ва миллатларни қабохат ва жаҳолат томон бошлаган бузғунчи ва вайронкор мафкуралар ҳам шаклланди. Бутун дунё глобаллашиб, турли вайронкор ғоялар хуружи кучайиб бораётган бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёш авлод қалби ва онгида бунёдкор ғояларга садоқат туйғусини шакллантириш муҳим ва устувор вазифалардан бирига айланди. Бу борада инсоният яратган бой маънавий ва маданий қадриятлар, жумладан фалсафага ҳам янги тафаккур асосида ёндашиш, мазкур фанни чуқур ўрганиш, бунда хилма-хил услублардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам «Фалсафа қомуси» туркумига кирадиган тўрт китобдан иборат кўлингиздаги дарсликни бу соҳадаги тушунча ва атамаларнинг алфавит кетма-кетлиги тарзидаги изоҳи эмас, балки мазкур фаннинг йўналишлари ва мавзулари мазмун-моҳиятини ифодалайдиган қўлланма сифатида баён этишга ҳаракат қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликдаги И–2012–45 рақамли инновацион лойиҳа асосида тайёрланди. Ўзбекистон Миллий Университети фалсафа факультети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган, бакалавр ва магистрлар, тадқиқотчи ва изланувчилар, соҳа мутахассисларига мўлжалланган мазкур китоб, бу борадаги илк тажрибалардан бири бўлгани боис, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Миллий Университети, фалсафа факультети. Тел: 246-67-72

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Тел: 239-88-61

Масъул муҳаррир

ф. ф. д., профессор Х. О. Шайхова

Тақризчилар:

ф. ф. д., профессорлар: Б. Тўраев, А. Бегматов, Б. Тўйчиев,
А. Мўминов, Ж. Раматов, М. Нурматова

ISBN 978-9943-391-60-4

© Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.

КИРИШ

Инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган ҳикматлар ҳазинаси, атоқли файласуфлар мероси, уларнинг асарлари муҳим ўрин тутди. Ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари ўз замони, юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларда ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи бу ғояларнинг муайян давр ва халқларнинг мақсад-муддаосига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Инсоният азал-азалдан олам ва одам нима, улар қандай пайдо бўлган, воқелик қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, деган саволларга жавоб излайди. Умрнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор, деган саволлар барчани ўйлантиради. Фалсафа инсоният учун абадий аҳамиятга молик ана шундай масалалар билан шуғулланади. Шу маънода, у ниҳоятда қадимий фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон қадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиётнинг умумий қонуниятлари фалсафанинг азалий ва барча замон файласуфлари шуғулланадиган асосий мавзулари ҳисобланади.

Қадимги дунёда фанларнинг барчасини, улар қандай илмий масалалар билан боғлиқлигидан қатъи назар, философия деб атаганлар. У ҳам ижтимоий борлиқ, ҳам табиат тўғрисидаги илмлар мажмуи ҳисобланар эди. Бу эса дастлабки философия олам ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлар тизими бўлиб, дунёни илмий билиш заруратидан вужудга келганини англатади. У бир томондан, инсоннинг воқеликни ақл воситасида идрок этиши, иккинчи томондан, онгнинг афсона ва ривоятлар асосидаги шаклларидан узил-кесил ажралиш жараёни натижасидир. Бу икки жиҳат бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки, инсоният тарихининг илк даврларида беҳуда хаёлпарастлик, ҳавойи ва афсонавий фикрлаш тарзидан халос бўлиш фалсафий билимларни эгаллаш орқали рўй берган. Шу маънода, фалсафа кундалик турмушда учраб турадиган эскилик асоратлари, бидъат ва чекланишларга муҳолиф бўлган ҳурфикрлиқдан иборат билимлар мажмуидир. Айнан ана шундай дунёқарашнинг шаклланиши инсоният тарихининг ажралмас ҳамроҳи бўлган фалсафий тафаккурнинг дунёга келиши ва такомиллашиб бориши учун мустаҳкам маънавий асос бўлган.

Қадимги Шарқ халқлари ижтимоий тафаккурида фалсафа «донишмандликни севиш» деган мазмун билан бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт, инсонни қадрлаш, умр мазмуни ҳақидаги қараш ва ҳикматларни эъозлаш маъносида ишлатилган. Масалан, «Иккинчи муаллим» дея эътироф этилган мутафаккир Абу Наср Форобий «философия» сўзини «Ҳикматни қадрлаш», дея талқин қилган. Ўша замонда ҳикматни қадрлаш эса, олам ва одам ҳамда умрнинг қадрига етиш, деган маънода тушунилган.

Ҳаёт қонуниятларини яхши биладиган, умрнинг ўткинчи экани, абадият инсонга эмас, оламга хослигини яхши англаб етган, ўзи ва ўзгалар қадрини

тўғри тушунадиган киши ҳеч қачон «Мен – донишмандман», дея очик эътироф этмайди, албатта. Айниқса, Шарқ халқлари ҳаётида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Шу маънода, қадим замонларда файласуф деганда, кўпдан-кўп илм соҳаларини эгаллаган, устоз ва муаллим сифатида шуҳрат қозонган аллома ҳамда мутафаккир кишилар тушуниланган. XIX аср немис қадриятшуноси И. Риккерт ҳам шунга ўхшаш фикрни қуйидагича баён қилган: «Одамзод олам ва одам ҳамда ҳаётнинг қадрини англаб, улар омонат бир нарса эканини тушуна бошлаган даврлардан фалсафий фикрлашга киришган. Бинобарин, биринчи файласуф, ким бўлганидан қатъи назар, ҳаётни, вақтни ва инсонни қадрлайдиган, ўз умрининг маъносини яхши англайдиган киши бўлгани шубҳасиз».

Фалсафанинг барча фанлардан озикланадиган умуминсоний ва универсал фан эканлиги маълум. Унинг ҳаётийлиги дунё халқлари тарихи ва табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос экани, уларнинг манфаатлари ва интилишларини қай даражада акс эттира олишига боғлиқ, албатта. Шу билан бирга ҳар бир халқнинг тарихи, тили, қадриятлари бўлгани каби, ўзига хос фалсафаси ва маънавияти ҳам борлиги айни ҳақиқатдир. Зеро, миллат ва унинг фалсафасини бир-биридан айру тасаввур этиб бўлмайди. Аммо бу – фалсафанинг миллий қобикқа ўралиб қолиши, дегани эмас. Балки у башарият тафаккурининг мазмун-моҳияти, умуминсоний дунёқарашга хос бўлган категория ва қонунлар билан бирга, муайян халқнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихи ва тараққиёт тамойиллари, мақсад-муддаоларини фалсафий ифодалаш шубҳасиз.

Бу эса жаҳон фалсафасининг умуминсонийлиги ва миллийлиги, муайян халқ ёки минтақага хос тафаккур тарзининг моҳияти ва аҳамиятига нисбатан эски ақидалардан воз кечиб, янги нуқтаи назардан қарашни тақозо этади, фалсафани замонавий мазмун билан бойитиб, бугунги талаблар асосида ривожлантиришни заруратга айлантиради. Аввало, жаҳон фалсафасини чуқур ўрганиш, дунёнинг бошқа ҳудудларида яшаган файласуфларнинг назария ва таълимотларини қиёсий таҳлил қилиш, замонавий тенденция ва ёндашувлардан ўзимиз учун зарур хулосалар чиқариш, дунё алломаларининг аҳамиятга молик асарларини таржима қилиш бу соҳадаги устувор вазифалар сирасига киради.

Ўз навбатида, қадимдан бошланган халқимиз дунёқарашининг шаклланиши ва такомил босқичларини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ҳам ниҳоятда долзарб масалалардан биридир. Ўз юрти ва халқининг ўтмишини яхши билиш, турли жараёнлардан тўғри ва холис хулоса чиқариш, хилма-хил воқеа, ҳодисаларнинг қандай ғоялар туғилишига сабаб бўлгани, қайси таълимотлар халқни ривожланиш ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни англаш ҳар бир инсон камолотида муҳим ўрин эгаллайди. Сўз фалсафа ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Зеро, тарихни фалсафа ва маънавиятсиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафанинг моҳиятини ҳам тарих ҳақиқатлари ва маънавият мезонларисиз чуқур англаб бўлмайди.

Бу масалага оид таълимот ва қарашлар такомилени ўрганиш заминимизда шаклланган фалсафий тафаккур «Авесто» замонларидан бугунги кунга

ча мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради. Қарийб уч минг йилни қамраб олган бу тарихда нафақат халқимиз, балки бутун инсоният ҳаётида ниҳоятда катта аҳамият касб этган фалсафий ғоя ва таълимотлар яратилган. Ал-Хоразмий ва ал-Бухорий, ал-Форобий ва ал-Беруний, Ибн Сино ва ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий каби номлари абадиятга дахлдор кўплаб мутафаккирлар яшаб, ижод қилдилар, турли-туман фалсафий йўналишлар ва оқимлар, назария ва таълимотлар вужудга келган. Гарчанд бу тарих бир-биридан фарқланадиган турли-туман даврлардан иборат бўлсада, асл мазмун-моҳиятига кўра яхлит ва бир бутун, она заминимизда яшаган барча авлод ва аждодлардан қолган умумий қадриятдир. Шу маънода, бу борадаги таҳлил бирор-бир геоцентризм ва осиецентризм, миллий маҳдудлик ёки этник мумтозлик даъвоси тарзида эмас, балки уни боболаримиз яратган бебаҳо мерос, инсоният тафаккурининг таркибий қисми сифатида холисона ўрганиш ва ундан сабоқ олишдан иборат бўлиши давр талабидир.

Бундан кўринади-ки, фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараён бўлиб, жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда, хусусан фалсафада ҳам ўзига хос тарзда муттасил акс этади. Тараққиёт жараёнида давр ўзгариши, янги замон бошланиши билан унга мос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Лекин бу жараён фақат стихияли тарзда, ўз-ўзидан юз беравермайди. Чунки, инсон тафаккурининг янги даврга хос ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Фалсафий тафаккур ривожини билан боғлиқ бундай ҳолат ҳозирги даврда ҳам яққол намойён бўлмоқда. Шу маънода, бугунги кунга хос ва мос дунёқараш ва замонавий тафаккурни шакллантириш фалсафанинг энг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Биз яшаётган дунё сўнгги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул воқеалар юз берди: мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлолга мос дунёқараш ва замонавий тафаккурни шакллантириш, халқ маънавиятини янада юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар ривожини улкан аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга».

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўлиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилгани туфайли фалсафанинг қуруқ сафсата ва зерикарли ақидага айланиб қолгани аччиқ ҳақиқатдир. У даврда тоталитар тузум ва яқка партия манфаатла-

ри устун кўйилгани оқибатида фалсафа деганда, инсонни – инсон, халқни – халққа айлантирадиган, унинг кадр-қиммати ва ўзлигини акс эттирадиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида шаклланиб, ривожланиб келган ҳодиса эмас, балки собиқ мафкуранинг маддоҳига айлантирилган, унинг доирасидаги кичик бир соҳа тушунилар эди, холос. Кўпчилик фалсафани алоҳида ва серқирра ҳодиса эмас, балки мавҳум ва ҳаётдан йироқ қонунлар ва категориялар йиғиндиси сифатида тадқиқ ва тарғиб қилишга кўникиб, одатланиб қолган эди. Бу эса, фалсафий таълимотларнинг замон билан ҳамнафаслиги, халқ ҳаётининг инъикоси ва узвий ифодаси эканлигини унутилишига сабаб бўлди. Натижада кўпчиликда фалсафанинг мавҳум ва кераксиз фан эканлиги, уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтгани ҳақидаги аламли тасаввурлар шаклланиб қолди.

Хуллас, фалсафа кўп йиллар мобайнида оддий ва равон тилда тушунтирилмас, аксинча, турли қонун ва қоидалар, хилма-хил таълимот ва ғоялар мажмуидан иборат мураккаб фан сифатида талқин этилди. У ёки бу фалсафий қоида нега керак, уларни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор, муайян файласуф айнан бирор-бир ғоя ёки таълимотга кўпроқ аҳамият берганининг сабаби нимада, нима учун унинг қарашларида айнан ана шу муаммо устувор бўлди, деган масалалар кўп ҳолларда назардан четда қолар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан боғлаб тушунтирилмас, фалсафий таълимотлар ўз асосчилари ҳаётининг узвий қисми экани ёддан чиқарилар эди.

Оқибатда нима бўлар эди? Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб оларди, холос. Аксарият ёшлар эса фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гўёки катта шаҳар бошланадиган жойда қолиб кетарди. Кун сайин чуқурлашиб, фан сирларини бор мураккаблигича тушунтиришда давом этаётган ўқитувчи санокли талабалар билан бирга ўша шаҳарга кирарди, кўчалар, маҳаллаларни – фалсафа дунёсини кезишда давом этарди. Лекин қолган талабалар эса бу хазинадан бебаҳра бўлиб, шаҳарга кирмасдан ўтадиган айланма йўлдан боришга мажбур бўлар ва шу тариқа фалсафанинг моҳиятини дурустроқ тушунмай, диплом оларди ҳамда амалиётга кетарди.

Ана шунинг оқибатида, ҳалигача мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг қийин ва ниҳоятда мавҳум фан, деб ҳисоблайдилар. Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, кераксиз ва ортиқча илм соҳаси бўлиб қолади, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун-қоидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, бу – фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтди, деган аламли қараш шаклланиб қолади. Агар фалсафадан билим берувчи ўқитувчининг ўзи ҳам бу соҳани бир маҳаллар четлаб ўтган собиқ талабалардан бири бўлса, масала янада чигаллашади.

Аслида, фалсафанинг асосий вазифаси – ҳар бир инсон онгида соғлом ақлга мос дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бундай дунёқараш бирор-бир ғояни зўрлаб сингдириш ёки қурук ёд олдириш эмас, балки ишонтириш, хилма-хил фикрларни ўртага ташлаш, муҳокама қилиш, зарур тушунча, тамоийилларни аниқлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур тўпланда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

– фалсафани жаҳон маданияти ва цивилизациясининг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш;

– файласуфлар ва уларнинг ижоди, ғоя ва таълимотларини тавсифлашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги тамойилига амал қилиш;

– хилма-хил фалсафий оқим ва йўналишлар, назария ва қарашларни бир бутун жараённинг ифодаси бўлган билимларнинг турлича намоён бўлиши сифатида холис талқин этиш;

– мавзуларни аниқ шароит ва жараёнлар билан боғлаб тавсифлаш, уларни изоҳлашда умумбашарий ва миллий миқёсдаги далил ва мисолларга таяниш;

– ҳар бир мавзуни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда тушунтириш.

Ушбу масалаларни таҳлил қилиш жараёнида бирор-бир ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириш, бошқаларининг аҳамиятини камситиш ёки йўққа чиқариш тарихий ҳақиқатдан йироқ ва бугунги давр талабларига жавоб бермаслиги шубҳасиз. Аксинча, уларнинг барчасини холис талқин этиш, фалсафа фани, унинг мазмун-моҳияти, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, хилма-хил фалсафий оқимлар, файласуфлар ва уларнинг таълимотлари ҳақида тўғри ва илмий тасаввурни шакллантириш ҳар қандай тадқиқотнинг асосий мозони бўлиб ҳисобланади.

Бу масаланинг фалсафа фани ва уни ўрганиш учун ҳозирги даврдаги турли фалсафий ғоя ва мафкуралар, таълимот ва назариялар билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳати ҳам бор. Глобаллашиб бораётган бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, инсоният ҳаётида рўй бераётган ғоявий курашлар асосий мазмун-моҳиятини ташкил қиладиган ушбу мавзунинг тарихи, тавсифи ва аҳамияти фалсафанинг ўзи каби қадимий ва ниҳоятда долзарб эканлигига шубҳа йўқ. Зеро, бу тарих одам зоти Ер юзида пайдо бўлганидан буён унинг доимий ҳамроҳи бўлиб келмоқда, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш муттасил давом этмоқда.

Гарчанд инсоният ибтидосидан бошланган ана шу азалий курашда эзгуликнинг ғалаба қилиши, соғлом тафаккур устувор бўлиши тарғиб этилса-да, бундай муваффақиятни қўлга киритиш ҳамма вақт ҳам осон кечмаган. Бу эса инсоният тарихидаги хилма-хил ғоя ва мафкуралар, фалсафий оқимлар ва таълимотларнинг ҳаммаси ҳам эзгу мақсадлар ва бунёдкорлик ишларига хизмат қилмаганидан, бирон-бир киши ёки гуруҳга ижобий бўлиб кўринган ёндашув ёки назария бошқалар учун ҳам, муқаррар тарзда, ижобий аҳамиятга эга бўлавермаганидан далолат беради.

Шу маънода, бунёдкор ва вайронкор ғоялар кураши, эзгулик ва ёвузликнинг бир-бирига зидлиги, бузғунчилик тамойилларининг одамзод бошига не-не балоларни келтириши билан боғлиқ фалсафий мавзунинг тарихи узоқ. Афсуски, асрлар оша одамларни эзгу ва хайрли ишларга бошлаб келаётган, умуминсоний аҳамиятга молик бунёдкор ғоялар билан бирга, мазмун-моҳияти бузғунчилик ва ғайриинсонийликдан иборат вайронкор мафкуралар ҳам рангбаранг шаклларда намоён бўлиб туради. Инсоният тарихи шу тариқа, муайян

ғоялар устувор бўлган неча-неча замонлар алмашинуви, турли мафкуралар курашидан иборат узлуксиз жараён сифатида давом этиб келмоқда.

Баъзида алдамчи жозибаси билан одамларни чалғитадиган бузғунчи ғояларни байроқ қилиб, бирон-бир худудни ёки ҳокимиятни эгаллашга интилиш, зарарли мафкуралар асосида кишиларнинг қалби ва онгини забт этиб, уларни ўз мақсадларининг қурбонига айлантиришга уринишлар, вайронкорлик инстинктларини кўзгашишга қаратилган маккорона ҳаракатлар ана шундай иддаолар натижаси эканлиги шубҳасиз. Турли инқилоблар, хилма-хил урушлар, куруллик тўқнашувлар натижасида рўй берадиган кўп сонли талафотлар эса вайронкор ғоялар амалиётининг оқибати, уларнинг ордидан эргашган инсонларнинг бундай самарасиз ва сароб йўллардаги йўқотишларидир.

Айниқса ўтган асрдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида дунёнинг икки қутбга бўлиниши ва улар ўртасидаги тўхтовсиз ғоявий-сиёсий курашлар муайян мақсадга йўналтирилган зарарли оқимлар ва йўналишларни ҳам вужудга келтириб, рағбатлантириб турди. Айнан шу асрда инсоният тафаккур таракқиётида ижобий аҳамият касб этувчи қарашлар ташвиқи билан бирга, умуминсоний таракқиётга зид бўлган бузғунчи ғоялар ҳам тарғиб этилди. Улар башариятга хос умумий мезонларга раҳна солиб, миллий, минтақавий хусусиятлар ва турфа сиёсий қарашлар асосида кишиларни ҳар хил гуруҳларга ажратиш ташлашга интилди. Бундай ғоявий-сиёсий айирмачилик, ажратиш ҳамда бузғунчиликка асосланган тарғибот натижасида инсоният катта зарар кўрди.

Ҳозирги давр ҳам бундан мустасно эмас. Дунёнинг бугунги мафкуравий манзарасида ҳам турли-туман ғоялар ва мафкуралар хилма-хил тарзда намоён бўлиб турибди. Уларнинг баъзилари инсониятни эзгуликка, миллатлар ва давлатларни бунёдкорликка сафарбар қилса, бошқалари одамларни бир-бирига қарши қўйиш, орасига нифоқ солиш, турли ижтимоий зиддиятлар, урушлар, қатағонлар ва бузғунчиликларга сабаб бўлмоқда.

Бу эса асл қиёфасини турли найранглар билан беркитишга ҳаракат қилаётган вайронкор мафкураларнинг муттасил хуружи рўй бераётган бугунги мураккаб замонда уларга қарши тура оладиган бунёдкор ғояларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш, мустақилликни мустақамлашга хизмат қиладиган замонавий дунёқарашни шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этилаётган бугунги шароитда тинчлик ва тотувликка, барқарорлик ва бағрикенгликка раҳна солувчи бузғунчи мафкураларнинг мақсад-муддаоларини ўз вақтида англаш, уларга қарши курашиш, эзгу ғояларни амалга оширишга қаратилган бунёдкорлик ишларида фаол ва масъулиятли бўлиш ушбу жаҳадаги фаолиятимизнинг энг асосий мезонидир.

Мазкур китобни тайёрлашда шу саҳада «Фалсафа: қомусий луғат», «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Ғарб фалсафаси», «Философия», «Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати» ва бошқа фалсафа асосларига доир асарлардан ижодий фойдаланилганини таъкидлар эканмиз, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдираимиз.



БИРИНЧИ ЖИЛД

**ФАЛСАФАНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА
ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ**





Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/299> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/299> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/299>